

Тариф (ККС ва Махсус устама ҳақ билан)  
Сув 1 м<sup>3</sup> 1430 сўм, Окова 1 м<sup>3</sup> сўм

185

## -сонли шартнома

Истеъмолчиларга ичимлик ва оқова сувни хизматларни кўрсатиш учун

«05.01.

2022 й.

Ушбу шартнома Сув таъминоти МЧЖ, кейнги ўринларда “Таъминотчи” деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи

К. Обеджонов.

(Ф.И.Ш.)

шахсида, бир томондан ва кейнги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилувчи

Р. Чемонова

(Ф.И.Ш., лавозими)

иккинчи томондан, куйидагилар ҳақида гузилди:

## I. Шартнома предмети

1.1. 20 йил учун сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари (бундан бўён матинда II гурӯх истеъмолчилари деб юритилади) учун сув етказиш

1430 нарх бўйича 1047 м<sup>3</sup>:1 м<sup>3</sup> ичимлик сув учун 1800 сўм (+ККС 15%), + 50 сўм (махсус устама ҳақ)ни ташкил килмоқда1 м<sup>3</sup> оқова сув учун сўм (+ККС 15%) + сўм (махсус устама ҳақ)

Шу тарифка шартноманинг умумий киймаги 1492210 сўмни ташкил килди.(сумма ёзув билан)

Шу жумладан, бюджет маблагларидан 1492210 сўм, бюджетдан ташкири маблагларидан

— сўм бюджетдан ташкири маблаглардан тўланиши кўзда тутилган.

II гурӯх истеъмолчилари Коидаларда белгиланган тарзида “Таъминотчи” томонидан тақдим килинган хисобвар-фактураларга асосан. Молия вазирлиги Фазиличилиги орқали сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблаглар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни O'zDSt 950: 2011 «Ичимлик сувни, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартига мувофиқ равишда барқарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув кувурлари тариф кийматида (ККС ни хисобга олган холда) хўжалик-манийи ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёкларга йўналтириади

1.3. «Истеъмолчи» ўрнатилган муддатлар ичida “Таъминотчи”га курсагилган сув таъминоти ва сув чиқариши хизматлари учун ўйловларни ўз вактида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг конуничилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли карори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариши хизматлари курсатиш Коидалари”га (кейинчалик матнда – Коидалар деб юритилади), ҳамда хокимнинг № -сонли карорига, мувофиқ тарифга, 1 м<sup>3</sup> сув учун сўм, 1 м<sup>3</sup> оқова сув хизмати учун сўм маҳсус устама ҳақ жорий этилган ҳамда “Таъминотчи” томонидан тақдим килинган коммунал сув етказиб бериш ва оқова сув чиқариши тизимиға уланиш учун руҳсат этувчи хўжатларга риоя килини мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасаруфидаги барча обьектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларнинг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва сув тизимиға уланишидаги эҳтиёжини, етказиб беришининг миқдори ва диаметрларини курсатган холда, кадастр нусхасини тақдим килади; “Таъминотчи”ни ўз вактида сув ўтказиш-оқова хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор килади.

## II. Умумий Коидалар

2.1. Ичимлик сувни билан экинларни сугориш, ховлилар, йўлакчаларига ўрнатилган вактдан ташкири сув сепиш, ҳамда, ичимлик сувидан автомашиналарни ювиш учун фойдаланиш катъян ман этилади.

2.2. Сув таъминоти тизимларидаги ичимлик сувни истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-майший эҳтиёклари, ёнгилларни учирин, шунингдек, ичимлик сувни талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган.

“Таъминотчи”нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган холатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истемолчининг тармокларида сув олиб, окова сувларни “Истемолчининг” канализацион тармокларига ўтвчи суб-истемолчилар сув таъминоти ва окова сувини чикариш шарғномасини “Истемолчи” билан тасдикланган “Коидаларга” мувофиқ гузадилар.

2.4. Сувни хисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлашириш, метрология ва сертификатлаштириш агнетлиги томонидан текширилган ва тамгалантан бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан тамғаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувни хисобга олиш ускунасини очиши, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 20 авгуустдаги №-698 сони қарорига мувофиқ оширилади.

2.5. “Истемолчи”га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш курилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) хисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истемоли ва минимал сув истемолига текширилади ва “Истемолчи” билан келиншилади. Хисоблаш курилмаси учун ўрнатилган минимал истемол микдоридан кам микдорда сув истемол килингандан. «Таъминотчи» сув ўлчаш тармоғини кайтадан курилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, хисоблаш курилмасининг кўрсаткичлари кабул килинмайди ва хисоблаш Коидаларда ўрнатилган гартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, хисоблаш курилмаларини ишга тушириш, хисоблаш курилмаларини алмаштириш, янги суб-истемолчиларининг уланиши Истемолчи томонидан факат “Таъминотчи” тарафидан тасдикланган техник шартлар ва лойинка асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар “Истемолчининг” сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи хўжакатларни илова килган холда берилади. “Таъминотчи”дан олинган техник шартлар асосида, “Истемолчи” буюргасига асосан, амалдаги меъёр, коидалар ва бошқа меъёрий хўжакатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланиш лойиҳаси ишлаб қилилади.

2.7. Курилган уламаларнинг ишга туширилиши “Таъминотчи” томонидан, “Истемолчи” ва курилиш ташкилот вакилларининг иштироқида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чикариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги гарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чикариш қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулият четараси (сув ва окова тизимлари, курилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжаликлари ва истемолчилар орасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида кўйидагилардан иборат:

а) сув истемоли учун узатиш тармоғининг киритиш курилмаси бўлиб, у коммунал тармокдан учириласи. Сув қувурини, шу жумладан узатиш курилмасини ишга тушириш истемолчининг ички сув узатиш тизимининг бир қисмидир;

б) окона тизими учун магистрал окона тизимига улашиш нуктасидаги сув чикариш кудуги бўлиб, у “Истемолчи”нинг ички окона тизимининг бир қисмидир. Агар чикариш окона кудуги магистрал окона тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатилган кудук сув-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси эса “Истемолчи”нинг кучи ва маблаги хисобига амалга оширилади.

### III. Тарафларнинг хўкуқ ва маскүрияятлари

#### 3.1. Истемолчининг хўкуклари:

а) “Таъминотчи”дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва окова сувни чикариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз ҳаётни ва соғлигига, мулкига хавф тугдирмайдиган даражадаги сифат ва микдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;

б) “Истемолчи” хисобидан хисоблаш курилмасини ўрнатиш.

в) тегиши сифат даражасидаги ичимлик сув ва окона сув тармокларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун “Таъминотчи”дан конунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган микдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш:

г) “Таъминотчи”ни шартномани бекор килиш тўғрисида, унинг бекор килиншидан камида 15 кун олдин огохлантирган холда ва ушбу мuddатда сув гаъминоти ёки окона сувни чикариш бўйича кўрсагилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган холда шартномани бир томонлами бекор килиш;

д) ичимлик сув таъминоти ва окона сувни чикариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг холати, қарзларнинг ўқулиги хақидаги маълумотлар ва маълумотноманин (шахсан ёки ўз вакили орқали) бепул олиш;

е) “Таъминотчи”дан ичимлик сув гаъминоти ва окона сувни чикариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тартиби ва тартибларининг ўзгариши хақидаги маълумотларни бепул олиш;

ё) ичимлик сув таъминоти ва окона сувни чикариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;

ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганилик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аникланган даврда у тегиши даражага олиб келинган вақт) учун кайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб килиш.

### **3.2. Истеъмолчининг маъбуриятлари:**

а) шартнома шартларини бажариш;

б) узининг худудида жойлашган ва уларга тегиши бўлган коммунал сув ва окова тармоқлари ва курилмаларининг мувофиқ равишда кўриқланишини, уларга сув тошиши ёки шикастланишига, музлаб қолнишига йўл кўймаслик, кудук копкоқларини қор ва муздан тозалаш, “Таъминотчи” томонидан ўрнатилган тамгаларнинг бутлигини назорат килиш, кудуклардан юза оковаси мавжудлигини таъминлаш, ёнгинга қарши гидрантларга ўтиш йўлларини бекитмаслик, кўрсатилган ёнгинга карши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишланишини назорат килиш;

в) “Истеъмолчи” худудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувури, окова тармоқлари ва курилмаларининг устига турли буюм ва материалларнинг йигъалишига ҳамда сув қувури, окова тармоқлари ва курилмаларининг устидан ишоотлар курилмаслигини, шу жумладан, ташки (куча ва квартал ичидаги) сув қувуфи, окова тармоқлари ва курилмаларининг устидан ишоотлар курилнишига йўл кўймаслик.

г) коммунал сув қувури, окова тармоқлари ва курилмаларининг транзит нукталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳакида зудлик билан “Таъминотчи”ни хабардор килиш;

д) сувни хисобга олиш приборларida яккот кўриниб турган носозликлар, шунингдек тамғани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аникланганда ҳамда хисобга олинмаган ёнгинга қарши гидрантлар мавжудлиги ҳакида дархол ёзма равишда ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) орқали “Таъминотчи”га хабар бериш;

е) “Таъминотчи” билан тузилган шартномага мувофиқ маъбуриятларига риоя килиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ва ушбу кўрсаткичларни “Таъминотчига” жорий ойнинг охири кунидан кечикмаган холда маълумотларни тақдим килиш ва тўловини амалга ошириш;

ж) шартномада белгиланган миклордан ортиқ ҳажмда сувнинг ортиқ сарф қилинишига ва окова сувларининг меъёрдан ортиқ чиқарилишига йўл кўймаслик;

ж) “Таъминотчи”ни ўз вақтида сув ўтказиш-окова хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик маънзилидаги ўзгариншлар ҳакида хабардор килиш;

и) “Таъминотчи”га тегиши бўлган ёки унинг худудида жойлашган сув ва окова тармоқлари, курима ва мосламаларининг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;

й) ишлаб чиқариш окова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиши концентрациясини меъёрдаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;

к) окова тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;

л) “Истеъмолчи” худудида жойлашган сув ўтлашга тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва окова тизимларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни кўймаслик;

м) жамоат сув ва канализация тизимларини обьектларига шикаст зарар етказган “Истеъмолчи” дархол “Таъминотчи”га хабар бериши ва етказилган зарарни коплаш учун “Таъминотчи” техник назорати остида ўзи етказилган шикастланишини бартараф этиш ва беҳуда сарф қилинган сув нархини тўлаши шарт.

### **3.3. Таъминотчининг хукуклари:**

а) “Таъминотчи” қуидай ихлатларда, истеъмолчини 5 кун аввал хабардор килган холда, сув узатишни ва сув чиқариши тўлиқ ёки кисман тұхтатиш хукуқига эга:

б) “Истеъмолчи” худудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва окова тармоқлари, мослама ва курилмаларининг техник ҳолати коникарсиз ҳолатда бўлса ва “Истеъмолчи” техник фойдаланиш қондадарини бузиши натижаларини “Таъминотчи” вакилларн галабига кўра бартараф этамаса;

в) “Таъминотчи”нинг вакили истеъмолчи худудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги бўлган сув узатиш ва окова тармоқлари, мослама ва курилмаларидан ишлар олиб бориш, тамга ўрнатишга ва бошка ишларда “Истеъмолчи” томонидан асоссиз жалакт берилган тақдирда;

г) “Таъминотчи” томонидан режали олдини олиш таъмираш ишларини, сув ўтказиш ва окова тармоқларида ишлар бажарилишида, “Истеъмолчи” уларга уланган бўлса, ва янги “Истеъмолчи”ларни улани учун ишларни ўтказишида;

д) “Истеъмолчи”нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруfидagi коммунал сув таъминоти ва сув чиқариши хизматларига ўзбошимча суб-истеъмолчиларнинг уланиб олганлиги аникланганда;

е) “Истеъмолчи” ўрнатилган муддатларда тўлов хужжатларига мувофиқ тўловини амалга оширганда;

ё) “Таъминотчи”нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг “Истеъмолчи” тасарруfida бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариши хизматларига уланишига рад жавобини берганда;

ж) “Истеъмолчи”лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариши хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмагандан;

з) энергия таъминоти тўхтатилганда;

и) табиий оғатларда;

- й) аварияларда;  
к) ёнғин чіккан ерларга сув етказиши қажмини ошириш зарурият түгилгандан.

### 3.4. "Таъминотчи"нинг мажбурялтлари:

- а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;  
б) сув етказилишини узлуксиз таъминлаш;

в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоклари, истемол объектлари ва курилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармокларининг ҳолатини ва ишини тизимили назорат килишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашни ташкил этинда амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда "Истемолчи"лар сувидан оқилона фойдаланиш ва сувдан оқилона фойдаланишини аниқлаш, сувни этказиб бериш ва истемол килишни қатъий назорат килиш ва хисобга олиш, саноатга мувофиқлигини мунтазам равишда назорат килиш ва уларга тентглаштирилган сув истемол қилиши чекловларига риоя килишини назорат килиш;

г) "Истемолчи"ларга индивидуал ҳисоблаш курилмаларини ўз хисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

д) "Истемолчи"лар сув кувур хўжалигининг текширишини (индивидуал ҳисоблаш курилмасининг яхши ишлайтганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамғаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниқлагай холда) бир ойда купи билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) "Истемолчи"га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима яъни пея тўловларини амалга ошириш;

ж) сув таъминоти ва истемолига оид меъёрий-хукукий ва бошқа хужжагларнинг қабул қилинганини хакида "Истемолчи"ларни хабардор килиш;

ж) сув етказиши ва сув чиқариш учун хизмат ҳаки тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот берниш;

з) ичимлик сув гаъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолаги, қарзларнинг йўклиги хакидаги маълумотнамани "Истемолчи"га бепул берниш;

## VI. Тарапларнинг жавобгарлиги

4.1. "Таъминотчи" ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиккан зарарни, "Истемолчи" эса этказилган хакикий зарарнинг ўрнини коплаши шарт.

### 4.2. Истемолчи кўйидагилар учун жавобгардир:

а) сув ҳисоблаш курилмасидаги тамғалар, айланыш чизиги жўмраги, гидрантлар ва бошқа сув узитиш мосламаларидаги қисмларнинг унинг ҳудудида ва тасарруфидаги бўлган тамғаланган ҳисоблаш курилмаларнинг бутунлиги ва сакланиши учун;

б) сув тармокларига ўз бошимча уланиб олиш, совуқ сувни хисобга олиш қурилмаларнинг касддан бузилишига йўл кўйин хамда сув ҳисоблаш курилмаларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган холда ўзгартирни ҳолатлари учун;

в) конунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

г) ўзбошимчалик билан курилган иншоатлар сабабидавон, гармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизми мавжуд бўлса"Истемолчи"худудида жойлашган оқова тармогига ёмғир ва зриган кор сувларнинг тушишига йўл кўйаслик. Ушбу қонидабузарлик аниқланганда "Таъминотчи" ходими ўрнатилган тартибида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома "Истемолчи"нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат килиди.

### 4.3 "Таъминотчи"кўйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меъёрий-хукукий хужжагларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва конунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) "Истемолчи"ларга сув таъминотига уланиш ва сув чиқариш хизматларинда фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вактида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) "Истемолчи"нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига этказилган заар, маънавий заар учун конунчиликда ўрнатилган тартиб ва микдорда, коплан;

г) шартнома шартлари ва юклагилган мажбуриятларни бажармаслик;

д) конунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

## V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилгав (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш курилмаси мавжуд бўлганда, ҳисоблаш курилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича КҚСН ҳисобга олган холда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизимида келиб тушувчи оқова сувнинг микдори, сув тармоғидан этказиб бериладиган сув микдорига тенг. Марказлашган холда иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истемол қилинуви

совуқ сув миқдорига 2.0 коэффициенти кўлланнлади. “Истемолчи”нинг ўзида сув таъминотининг курилмалари мавжуд бўлса, окона сувларининг миқдори ушбу сув курилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган хисоблаш курилмаларининг кўрсаткичларига) купайтирилади. Ички сув таъминоти тизими “Истемолчи”нинг шахсий автоном манбаси билан боғлик бўлмаслиги лозим.

5.3 Объект эгаси, автоном сув газыноти(скважина, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими)га ёки марказий коммунал окона тизимидан бошқа окона ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда, “Таъминотчи” билан шартнома тузиш учун маҳсус табии сув объексларидан сув олиш ёки чиқариши учун қўшимча рухсатнома тақдим этиши лозим.

5.4. Сув таъминотининг хусусий автоном манбаси (артезиан скважинаси, кудук, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими ва х.к.) мавжуд бўлганда коммунал канализация тизимида оқизиш учун тўловлар, ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариши куввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган хисоблаш асбонининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. Истемолчига қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбанинг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган булиши шарт.

## VI. Алоҳида шарглар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда, “Истемолчи” бутун дебиторлик карздорлигини сўнгдириши ва “Таъминотчи” билан чиқиб кетишдан камида 7 кун оддин далолатномани тузиш ва имзолаши зарур, “Истемолчи” чиқиб кеттанидан сўнг, тамгалар ва хисоблаш курилмаларининг бутлниги объектнинг янги эгаси зинмасига юклатилиади.

6.2. “Истемолчи”нинг сув узатиш-оқова ҳужалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан “Истемолчи”нинг хати келиб гушган кундан бошлаб хисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари хисобидан куйдаги формула асосида хисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: М – 0.60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициенти;

F – суюклик оқиб ўтадиган кувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) $m^2$ ;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин гушиш тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вақт- 24 соат, секундларда;

### Кўйндаги ҳолатларда:

6.3.1. “Истемолчи” да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси “Таъминотчи” да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилгаанд, автомашиналар ювилганда;

6.3.4 Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиқкац, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 6 кисмининг 6.3 бандида кўрсагилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнагишиб, (рўйхатдан ўтказилган) кунгача хисобланади;

Сувни хисобга олиш асбоби истемолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч хисоб-китоб ойидаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Хисоб-китобиниң бундай тартиби бир ойдан кўп кўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни хисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув миқдори ІІ-гурух истемолчилари учун Қоиданинг 87-“Б”-банди бўйича хисоб-китоб килинади;

6.3.5. “Истемолчи”нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув исроф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. “Таъминотчи”нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикрок бўлган мосламага алиштириши тўғрисидаги талашибомаси кондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7 Сув ўлчаш асбонининг хисоб-китобини олиб бориши бўғинидаги кўйилган химоя қопламига рухсатсиз тегтилиш натижасида, ичимлик сув соғ сарфини аниқлаш имконияти чегаралганда;

6.4. Ичимлик суви ва окона сув коммунал тизимларига (жумладан ёнгиндан сакланиш гидрантлари ва хонадон қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олингаяв ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, “Таъминотчи” томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва “Таъминотчи”га етказилган зарарни хисоблаш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Бунда:

-тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янгисув ўлчаш асбоби ўрнагишиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан уланиши узбি ташланган кунга қадар хисобга олинади;

- ўзбошимчалик билан уланиб олинган санаидан бу хакда маълум бўлган санагача, агар “Таъминотчи” балансидаги гармокларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат давво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарару. Агар ўзбошимчалик билан уланиган санаи топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат давво муддатига тенг деб олинади;

6.5 Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва қуриши бошлаш учун) лойиха муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур. Техник шартлари мавжуд бўлмаган холда ёки муддати ўтган холда, “Таъминотчи” томонидан сув узатиш хизматларини якунлашга асос бўлади.

6.6. “Истеммолчи” коммунал сув гаъминоти ва окова сувни чиқариб юбориш тармокларига уланиш санаси ҳакидаги хужжатларни тақдим этиаган холатларда “Таъминотчи” томонидан, хоким қарори ва кадастри хужжатлари ва шу кабилар асосида, хужжаг билан тасдиқланган уланиши санаси бўйича хисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қалбул қилинган окова сув учун тўловлар, “Таъминотчи” томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат киуловчи банклар оркали амалга оширилади. Бу тўловлар “Истеммолчи” томонидан З кунлик муддат ичида акцептсиз тартибида амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, “Таъминотчи” кечкитирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0.4 % пения ёзди ва унинг умумий киймати асосий тўловини 50%-дан ошмаслиги лозим.

6.8. “Истеммолчи” хисоб раками бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг кирим кассаси оркали, хисобот давридан кейнинг 10 кун муддат ичига тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100 % микдорида олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тулов кенгига ой хисобига ўшилади. Агар “Истеммолчи” иккى ҳафта муддат ичида тўловни амалга оширимаса, “Таъминотчи” ҳеч кандай огохлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришини ёки окова сувларни чиқариб юборишини ундирамагунга кадар тўхтатиб қўйиш ҳукукига эга. Бундай ҳолларда ёнғивдан сакланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ “Истеммолчи” зиммасига юклатилади. Сув гаъминоти ва сув чиқариш тизимидан илгари узиб кўйилган ҳолларда кайта улашда II гурух истеммолчиларидан энг кам ойлини иш ҳакининг 10 (ун) баробари микдорида тўлов кайта улашши амалга оширган ташкилот хисобига маблағларни ўтказиши оркали ундирилади;

Канализация тизимига руҳсат этилмаган ёмғир ва эркин кор сувлари оқизилаётган ишлаб чиқариши окова сувларини “Истеммолчи” лар томонидан ташлаш гартиби Вазирлар Мажхамасининг 2010 йил 3 февраль кунидан кабул килинган 11 сонлиқ қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқариши окова сувларини кабул килиши коидалари” хамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармокларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун “Истеммолчи”ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффицент микдор гартибидан хисобланади.

6.10. Хисоб-китобнинг нотўри килинганлиги (тарифларнинг нотўри хисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўгрисида “Истеммолчи” га ёзиладиган эътирознома тўлов хужжати олингандан кейин 5 кун муддатда “Таъминотчи”га тақдим этилиши керак. Эътирознома “Истеммолчи”ни тўлов хужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

## VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиқкан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.

Агарда иккى томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувоффик худудий туманлараро иктисадий судида кўриб чиқилиади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиқкан тақдирда, Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

## VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиди бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатларни (зилзила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғаглар) нагижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслиг учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиди бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равища узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичига бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошликтан муддатларни кўрсатган холда ёзма равища огохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартноманинг бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик килса, томонлардан бири шартноманинг бекор килиш ҳукукига эга.

## IX. Шартноманинг амал қилиши муддати

9.1 Ушбу шартнома иккى нусхада тузилган бўлиб, иккى тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартнома газничалик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлиб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабргигача амал килади.

Х. ТараФларнинг юридик манзили:

«ТАЪМИНОТЧИ»

“Андижон сувтъминоти”МЧЖ Асака  
гуман ф  
Манзил: Каравонсарой 181  
Тел: 74 232 10 51 .  
х/р: 22638000900285369307  
Банк: АТИБ Ипотека банк  
Анд.вил.ф  
МФО: 00059 СТИР: 200230760  
ХХТУТ: 90213



Сув хисоблаш ускунаси: №\_\_\_\_\_ Тури \_\_\_\_\_ Хажми \_\_\_\_\_

*Юридик хулоса:*

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва “Хужалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-хукукий асоси тұғрисида”ги Қонун талабларнинг мувофиқ түзилган

Хукуқшунос

«06.01.2012.

Юридик шахслар учун сув таъминоти  
шартиномасига 1-ИЛОВА

Етказиб берилладиган сув сарфи

Тариф гурӯҳи

11

Фаолият тури

Төслим

Истеъмолчи сув кувурларининг уланган нұктаси 2 м3

Техник шарт билан рухсат этилган кувур хажми 20

Хисоб китоб тури 6109 ичин

	Сув сарфи м3			
Йил, жами	1047			
Январь	349			
Февраль	349			

Март	349			
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				



И М З О Л А Р:

“Таъминотчи”

Юридик шахслар учун сув таъминоти  
шартномасига 2-ИЛОВА

Сув хисоблагичлари ўрнатилган жойлари ва тавсифлари

Истьемолчанинг (субистьемолчанин вг) хисоблагичлари ўрнатилган жойлар, тури ва босим синфи (м) кўрсатилган холда	Хисоблаг ич тури	Хисоблаг ич номери	Хисоблаг ич тармок муҳри номери	Куву р хажми	Хисоб китоб коэффициен ти	Шартном а тузиш санасига хисоблаг ич кўрсаткич и	Тари ф турн сүм/м з
3	СТ	00014	53353	26	1	50.0	1430



И М З О Л А Р:



Андижон вилоят "Сувокава" ДУК Асака туман филиали хамда  
 Асака туман 42-ДИМИ уртасида 2022 йил "5" январдаги  
 №185-сонли шартномага  
 илова

(сумда)

Ойлар	Ичимлик суви учун			ЖАМИ		Тулаш манбаси	
	Етказиб бериладиган ичимлик суви микдори (куб)	Тариф буйича баҳоси (сумда)	Умумий суммаси (сумда)	Етказиб бериладиган ичимлик суви микдори (куб)	Умумий суммаси (сумда)	Бюджет х/р оркали	Бошка х/р оркали
Январь	349	1430	499070,0	349	499070	499070	0
Февраль	349	1430	499070,0	349	499070	499070	0
Март	349	1430	499070,0	349	499070	499070	0
<b>1-чорак</b>	<b>1047</b>	<b>1430</b>	<b>1497210</b>	<b>1047</b>	<b>1497210</b>	<b>1497210</b>	<b>0</b>
Апрель		1430	0	0	0	0	0
Май		1430	0	0	0	0	0
Июнь		1430	0	0	0	0	0
<b>2-чорак</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>
Июль		1430	0	0	0	0	0
Август		1430	0	0	0	0	0
Сентябрь		1430	0	0	0	0	0
<b>3-чорак</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>
Октябрь		1430	0	0	0	0	0
Ноябрь		1430	0	0	0	0	0
Декабрь		1430	0	0	0	0	0
<b>4-чорак</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>
<b>Жами йил</b>	<b>1047,000</b>		<b>1497210</b>	<b>1047,000</b>	<b>1497210,00</b>	<b>1497210,00</b>	<b>0</b>

"Андижон сув таъминот" МЧЖ  
 Асака туман филиали

Асака туман 42-ДИМИ  
 директори:

Р.Исманова



Р. Обидинов